

Ушбу ҳолатда азон айтиб ўқиймизми

10:15 / 24.08.2017 3656

Савол:

Устоз, масжидда айтилган азон эшитилмаса, уйда ёки ишхонада намоз ўқиган одам азон айтиб ўқиш керакми деб, берилган саволларга азон айтиш керак деб жавоб берибсиз. Рамазон ойида ифторликда азон айтилмай такбир билан намоз ўқилганини кўп кўрганман. Саволим шуки, бизни ишхона масжиддан бир ё икки чақирим узоқликда, азон эшитилмайди, жамоат бўлиб намоз ўқисак азон айтишимиз керакми? мени тушунмаганим ифторликларда, туйларда жамоат тўпланиб қолса такбир билан намозлар адо қилинади. Аллоҳ рози бўлсин.

Жавоб:

[Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф](#)

Азон айтилмаса, намоз бўлаверади. Азон айтиш суннат. Буни тушунмай кўпчилик сизга ўхшаб қайта-қайта савол бераверади. Намоз китобига назар солинг. Унда нима фарз, нима вожиб экани кўрсатилган. Азон фарз ҳам эмас, вожиб ҳам эмас.